

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича
Шартнома № 3.**

Урганч _____

2022 йил « 3 » июн

Кексалар ногиронлиги булган шахслар уруш ва меҳнат фахрийлари учун Урганч санаторийси номидан
Низом асосида фаолият юритувчи **А.Б.Атаджанов**

бир томондан ва номидан Устав (ишончнома) асосида **«Амирбек Лолахон Голден Хоус» ХК**
фаолият юритувчи директор **Л.Джуманиязова**

Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани
қуйидагилар тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган
хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар
кунни Буюртмачини дам олувчиларни 4 маҳал **иссиқ овқат билан таъминлаш хизмати**
(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена
нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш
жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига
олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил « 3 » июндан.

2022 йил « 31 » декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган
Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи
Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва
таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан
чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

**2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши,
сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал
харажатларини қоплаши;**

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари,
нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини
таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу
муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда
кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг

монлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда сақлаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

3. Буюртмачи куйидаги ҳуқуқларга эга:

3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

4. Буюртмачи куйидагиларга мажбур:

4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

II. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

1.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи

Шартноманинг умумий суммаси 607 680 000 (Олти юз етти миллион олти юз саксон минг) сўмни ташкил этади.

1.1. Буюртмачи тегишли ой учун шартноманинг 30 фоизи миқдордаги маблағни олдиндан 5 банк иш кунида давомида аутсорсернинг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни ўз зиммасига олади. Қолган 70 фоизи миқдоридаги маблағни кўрсатилган хизматлар тўлиқ бажарилгандан кейин 5 банк иш куни давомида ўтказишни ўз зиммасига олади.

2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши мумкин бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштирилади.

4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

V. Томонларнинг мажбуриятлари

1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб берилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди,

- нда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.
- 4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.
- 4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.
- 4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.
- 5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

- 6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

VII. Яқунловчи қоидалар

- 7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.
- 7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
- 7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунига қадар амал қилади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

“АМИРБЕК ЛОЛАХОН ГОЛДЕН
ХОУС” хусусий корхонаси

Манзил: Урганч шаҳар, Шарк кўчаси
Зуй

х/р: 20208000105175155001

ИНН: 307108530

МФО: 00547

Банк номи: "Миллий банк" Урганч
бўлими

Кексалар ногиронлиги булган шахслар
уруш ва меҳнат фахрийлари учун Урганч
санаторийси

Манзил: Урганч т. Галаба к. Кумробод м.

х/р: 100021860332177101203344001

ШХР: 401421860332177101203344001

Тел:

ИНН: 306350004

Марказий банк Тошкент шаҳар Бош

Х/р: 10002000300100001010

МФО: 000140 ИНН: 201919122



Раҳбари: Л. Джуманиязова



Раҳбари: А. Атаджанов

Хуқуққўроқ: М. Худайбергенов

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича 2022 йил 3 июндаги
№3-сонли шартномага
ИЛОВА**

№	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Тайёр иссиқ овқат (нонушта, тушлик, ярим тушлик, кечки овқат)	Порция	25320	24000	607 680 000
	ЖАМИ				607 680 000

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»

“АМИРБЕК ЛОЛАХОН ГОЛДЕН
ХОУС” хусусий корхонаси

Кассалар ногиронлиги булган шахслар
урун ва меҳнат фахрийлари учун Урганч
санаторийси



Раҳбар

Л.Джуманиязова



Раҳбар

А.Атаджанов

Хукукшунос:

М.Худайберганов

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича 2022 йил 3 июндаги
№3-сонли шартномага
ИЛОВА**

№	Хизмат тури	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Тайёр иссиқ овқат (нонушта)	Порция	25320	4800	121 536 000
2	Тайёр иссиқ овқат (тушлик 1-овқат + салат)	Порция	25320	8400	212 688 000
3	Тайёр иссиқ овқат (тушлик 2-овқат)	Порция	25320	4800	121 536 000
4	Тайёр иссиқ овқат (кечки овқат + салат)	Порция	25320	6000	151 920 000
	ЖАМИ				607 680 000

ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ


Т/р	Ойлар	Ойдаги кунлар сони	Ўлчов бирлиги	Хизмат бирлиги учун нарх (сўм)	Хизмат бирликлари сони	Жами сумма ҚҚС сиз (сўм)	ҚҚС — %	Жами сумма ҚҚС билан
1.	Январь	31						
2.	Февраль	28/29						
3.	Март	31						
4.	Апрель	30						
5.	Май	31						
6.	Июнь	30	Порция	55360	3000	166 080 000		166 080 000
7.	Июль	31	Порция	24000	3100	74 400 000		74 400 000
8.	Август	31	Порция	24000	3100	74 400 000		74 400 000
9.	Сентябрь	30	Порция	24000	3000	72 000 000		72 000 000
10.	Октябрь	31	Порция	24000	3100	74 400 000		74 400 000
11.	Ноябрь	30	Порция	24000	3000	72 000 000		72 000 000
12.	Декабрь	31	Порция	24000	3100	74 400 000		74 400 000
	Шартноманинг жами суммаси	365/366			25320	607 680 000		607 680 000

«Аутсорсер»

«Буюртмачи»


“АМИРБЕК ЛОЛАХОН ГОЛДЕН
ХОУС” хусусий корхонаси

Кексалар ногиронлиги булган шахслар
уруш ва меҳнат фахрийлари учун Урганч
санаторияси



Раҳбар:  Л. Джуманиязова

Раҳбар:  А. Атаджанов

Хукукшунос:  М. Худайберганов